

## Мавлид ҳақида ўйлар (ўн учинчи мақола)



14:00 / 21.10.2021 1707

### **«Маҳалли қиём» масаласи**

«Маҳалли қиём» деб мавлид асносида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари зикр қилинганда ўриндан туриш пайти ва ҳолатига айтилади. Одатда мавлид асарларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насл-насаблари, ота оналари ҳақида ва туғилишлари арафасидаги ажойиботлар айтиб ўтилгач, Жанобимизнинг таваллудлари ҳақида сўз кетади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилдилар» деган ибора айтилганда ушбу таваллуднинг шодиёнасига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурмат изҳор этиш маъносида бир ўриндан туриб, салавот ва наътлар айтиш мавлид маросимига хос бўлган одатлардан бири ҳисобланади. Бу амал ҳанузгача уламолар ўртасида, ҳатто мавлидхонлар ўртасида ҳам ихтилофли бўлиб келаётган масаладир.

Кимдир уни яхши санаса, кимдир жоиз деб билади, учинчиси эса ножоиз деб айтади. Бу хилоф яқин ўтмишимизда юртимиз уламолари ўртасида ҳам бўлган. Шундай бўлса да, маҳалли қиём илгари Ислом оламининг деярли барча жойларида мавлид йиғинларида мавжуд амал бўлиб келган. Ўтган асрда ҳам кўп жойларда, жумладан, Андалусия, Шом диёрларидаги ва Маккаи Мукаррамадаги мавлид маросимларида маҳалли қиёмда туриш одати бўлган. Мавлид асарларига ёзилган шарҳларда, мавлид маросимида бағишланган рисолаларда бу масалага алоҳида тўхтаб ўтилган, ҳатто ушбу мавзуга доир алоҳида мақола ва рисолалар ҳам битилган.

Ўз даврида Мадинада шофеъий мазҳаби муфтийси бўлган Жаъфар ибн Саййид Ҳасан Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Иқдул-жавҳар фии мавлиди ан-Набий ал-Азҳар» (Порлоқ юзли Набийнинг мавлидлари хусусидаги гавҳар маржон») номли асарида шундай дейди:

«Ҳа, ривоятга ва ўткир мулоҳазага эга имомлар у зот алайҳиссаломнинг таваллудлари тилга олинганда ўридан туришни мустаҳсан санашган. Орзусининг ва кўзлаган мақсадининг чўққиси у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаш бўлган кишига туубо – хушнудлик, яхшилик бўлсин!»

Муаллиф айтмоқчики, бир қатор кўзга кўринган, ишончли, мўътабар, етакчи уламолар мавлид маросимларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари зикр қилинганда ўридан туриб, таъзим изҳор қилишни мустаҳсан амал санашган экан.

Муаллифнинг абираларидан бири Саййид Жаъфар ибн Саййид Исмоил Барзанжий бобосининг «Мавлид» китобига ёзган шарҳида мазкур гапларни изоҳлаб, қуйидагиларни айтади:

«Жорий бўлган одат шуки, воизлар, мадҳчилар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари мавзуси келганида, у зотнинг туғилишлари зикр қилинганда кўпчилик одамлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга таъзим ўлароқ ўринларидан туришади. Бу шариатда асли йўқ бўлган бидъатдир, аммо бидъати ҳасанадир, чунки бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаш бор».

Йигирманчи асрнинг кўзга кўринган уламоларидан бири, мавлидни ҳимоя қилишда кўп жонбозлик кўрсатган олим, Масжидул Ҳаром мударрисларидан бири Муҳаммад Алий ибн Ҳасан Моликий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Ал ҳудйут-таамму фии мавааридил мавлидин Набавий ва маа уътиида фииҳи минал қийаам» («Мавлиди Набий ва унда одат

қилинган қиём хусусида келган гаплар борасида тугал тўғри йўл») номли китобида ушбу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтган. Аъло Ҳазрат эса маҳалли қиёмнинг жоизлиги, мандублиги ҳақида айрим уламолар айтган гапларни бир рисолага жамлаб, уни «Иқоматул қийаамаҳ ъалаа тоинил қийаам ли Набийи Тихаамаҳ» («Тихома Набийси учун ўриндан туришни айблайдиган кишига қиёматни қоим қилиш») деб атаган. Яна мавлид ҳақидаги айрим илмий мақолаларда ҳам бу ҳақда баҳслар боради. Биз қуйида бу борада битилган бир қатор рисола ва баҳслардан олинган хулосаларни ўрганишга ҳаракат қиламиз.

*(Давоми бор)*

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**